
ФАРҒОНАДА “ЯНГИ НАФАС” ОММАВИЙ ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ ЮҚОРИ КАЙФИЯТДА ЎТДИ

30 июнь – “Ёшлар кунини” муносабати билан, бугун эрта тонгдан мамлакатимизнинг 16 та шаҳрида, шу жумладан, Фарғонада ҳам “Янги нафас” оммавий югуриш мусобақаси ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят Ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаси, вилоят Адлия бошқармаси, Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги ҳамда бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорлигида “Бир ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда - бирга югурамиз” шиори остида ўтган мусобақада ёшлар, кексалар ҳамда имконияти чекланган шахслар қатнашди.

Дастлаб ҳарбийлар томонидан улкан байроқ кенг ёйилиб оркестр жўрлигида ал-Фарғоний кўчасидан тантанали олиб ўтилди.

Шундан сўнг мусобақага айна шу манзилдан старт берилди. Иштирокчилар иккита, яъни 1 миля (1609 м) ҳамда 3 км. масофада беллашдилар.

Ислом Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройи очиқ майдонида ўтган ёғлиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов, Фарғона шаҳар ҳокими Восилжон Назаров, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Маҳмудов иштирок этдилар.

1 миля (1609 м) масофага югуришда ўғил болалар ўртасида Рухшод Маъмуров, қизлар ўртасида Ситорабегим Қурбонова биринчи ўринни қўлга киритишди.

3 км масофада эса ўғил болалар ўртасида Нуриддин Мамасиддиқов, қизлар ўртасида Мубина Тўлқунова ёғлиб бўлишди.

Хушнудабегим Мирзаакбарова мусобақанинг энг ёш иштирокчиси, Александр Поляков эса мусобақанинг энг ёши улуғ иштирокчиси бўлди.

Имконияти чекланган шахслар ўртасида Раҳим Тожибоев, Иқбол Усмонов, Жасурбек Абдураҳимовлар фаоллик кўрсатдилар.

Ёғлиб ва совриндорларга диплом ҳамда совғалар топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-06-25 11:38:09